


«ТАСДИҚЛАНГАН»



«Ўзметкомбинат» АЖ
акциядорларининг умумий йигилиши

Йигилиш роиси

2022 йил 15 марта 54-сонли

 Гуктасинов

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Вазир Уринбосари

 Часов О.Р.
(ФИШ.)

2022 йил «11» апрель 2022-йил

M.V.

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКСИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ ҚЎШИМЧА АКСИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ
ТҮГРИСИДАГИ ҚАРОРИ

| | |
|----------------------------------|-------------------------|
| Идентификация рақами берилди: | R U 1 1 3 P 0 1 4 8 T 2 |
|----------------------------------|-------------------------|

Номинал киймати 5000 сўм бўлган 413 313 800 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

| | |
|----------------------------------|-------------------------|
| Идентификация рақами берилди: | R U 2 1 3 P 0 1 4 8 T 0 |
|----------------------------------|-------------------------|

Номинал киймати 5000 сўм бўлган 9 064 200 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги имтиёзли акциялар.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн учинчи чиқарилишdir.

Жамият акциядорларининг 2022 йил 15 марта умумий йигилишининг карорига асосан акциялар чиқарилиши түгрисидаги қарор тасдикланган 54-сонли баённома.


Жамият акциядорларининг 2022 йил 15 марта умумий йигилиши томонидан қўшимча акциялар чиқарилиши түгрисидаги қарор қабул қилинган 54-сонли баённома.


Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулокот телефонлари ва электрон почта манзили: 110502, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шахри, Сирдарё кўчаси, 1-йўл, тел.: (0-370) 214-14-23 электрон почта манзили: info@uzbeksteel.uz

Эмитентнинг раҳбари:



Бош бухгалтер:


R.X. Пирматов

 Г.А. Ибрагимов

2022 йил 15 марта

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий ва имтиёзли.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 5000 (беш минг) сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 422 378 000 (тўрт юз йигирма икки миллион уч юз етмиш саккиз минг) дона, шундан: 413 313 800 (тўрт юз ўн уч миллион уч юз ўн уч минг саккиз юз) дона оддий акциялар; 9 064 200 (тўккиз миллион олтмиш тўрт минг икки юз) дона имтиёзли акциялар.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий хажми (сўм): 2 111 890 000 000 (икки триллион бир юз ўн бир миллиард саккиз юз тўқсон миллион) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хукуклари: Жамиятнинг акцияларига эгалик килиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конунининг 26-28 ва бошқа моддаларида назарда тутилган хукукларни беради.

Жамият оддий акциялари эгалари куйидаги хукукларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо хисобварағидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир кисмини дивиденdlар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофик мол-мулкнинг бир кисмини олиш;
- жамиятни бошкаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлик ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш бундан конунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукукларини химоя килиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни копланишини белгиланган тартибда талаб килиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя килиш максадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- кимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлик таваккалчиликларни сугурта килиш.

Жамият имтиёзли акциялари эгалари куйидаги хукукларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо хисоб варагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;
- жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан катъий назар, жамият уставида белгиланган миқдордаги дивиденdlарни биринчи навбатда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- жамият тугатилган тақдирда акцияларнинг тугатиш қийматини биринchi навбатда олиш;
- конунчиликда белгиланган холларда акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлик ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукукларини химоя килиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни копланишини белгиланган тартибда талаб килиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя килиш максадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- кимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлик таваккалчиликларни сугурта килиш.

Акциядор конун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофик бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига иисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш түғрисидеги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна йўли билан Жамият акциядорлари ўртасида жойлаштирилади.

8. Жамият устав қапиталининг миқдори (сўм): 211 189 000 000 (икки юз ўн бир миллиард бир юз саксон тўккиз миллион) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўреатилади): Жамият томонидан 42 237 800 дона акциялар жойлаштирилган, шу жумладан:

- 41 331 380 дона оддий акциялар;
- 906 420 дона имтиёзли акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва қўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўреатилади): Жамият томонидан номинал киймати 5 000 000 сўмлик 10 000 дона фоизли эгаси ёзилган корпоратив облигациялар жойлаштирилган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна): Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна йўли билан кўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10-кун (ўнинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан Жамият акциядорлари ўртасида акциялар сонига ва турига мутаносиб равища 1:10 коэффициентда жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акциялар Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 60 кун ичida амалга оширилади.

Жойлаштиришини бошланиши санаси: мазкур акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 11-кун (ўн биринчи кун).

Жойлаштиришини тугаси санаси: ушбу чиқарилишдаги охирги акция жойлашган кун, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 60 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар биржадан ташкари уюшмаган кимматли қоғозлар бозорида фукаролик-хуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб этилмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган хуқуқларни хисобга олишини амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-хуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Жамият акцияларига бўлган хукуқларни хисобга олиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади.

Кимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси Давлат корхонаси.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик кўчаси, 107-йй.

Тел.: 71 267-37-42.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишига бўлган имтиёзли хукуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли хукук кўлланилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Акциялар номинал кийматида, яъни 5000 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Акциялар учун тўлов 2022 йил 1 январь холатига ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси ва 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси ҳисобидан тегишли бухгалтерлик ўтказмалари ўтказниш оркали амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, тўлов воситалари акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 кун ичida қайтарилади

12. Эмитент томонидан қимматли қозголар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофик ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг расмий вэб сайтида (www.uzbeksteel.uz), Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий вэб сайтида (www.uzse.uz) ошкор этилади.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли билан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-йуда танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.



АО «Y3МЕТКОМБИНАТ»

ХАТ.

Прошито, пронумеровано и скреплено
печатью 5 (пять) листов



Подпись

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ ПРАВЛЕНИЯ
Пирматов Р.Х.

